

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМОВА СЕВАРА МУРАДОВНА

**АЛЛЕРГОДЕРМАТОЗЛАРНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЭНДОГЕН ИНТОКСИКАЦИЯНИ ҲИСОБГА
ОЛИБ ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD) ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Алимова Севара Мурадовна

Аллергодерматозларнинг молекуляр-генетик хусусиятлари ва эндоген интоксикацияни ҳисобга олиб, диагностика ва даволаш усулини такомиллаштириш 3

Алимова Севара Мурадовна

Совершенствование методов диагностики и терапии аллергодерматозов с учетом молекулярно-генетических аспектов и эндогенной интоксикации 21

Alimova Sevara Muradovna

Improvement of methods of diagnostics and therapy of allergic, taking into account molecular and genetic aspects of endogenous intoxication..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМОВА СЕВАРА МУРАДОВНА

**АЛЛЕРГОДЕРМАТОЗЛАРНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЭНДОГЕН ИНТОКСИКАЦИЯНИ ҲИСОБГА
ОЛИБ ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА (PhD) ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib476 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифада (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мавлянова Шахноза Закировна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хаитов Кахрамон Нажмитдинович
тиббиёт фанлари доктори

Гильдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871)262-33-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А.Шамансурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа (PhD) докторли диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экологик вазиятнинг ўзгариши, турли дори воситаларидан, сифатсиз косметология воситалари ҳамда кишлок хўжалигида пестицидлардан кенг фойдаланиш, овқат кўшимчалари терининг аллергик касалликлари (ТАК)нинг кун сайин ортиб боришига сабаб бўлмоқда. «...касаллик XXI асрнинг глобал муаммоси бўлиб, аҳолининг, айниқса болаларнинг орасида касалланиш даражасининг ўсиши билан боғлиқ...»¹. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларда ТАК оғир қайталанувчи ва мураккаб кечиши ва унинг қайталаниши тери патологияси орасида 30-40% ташкил этади. Худудларнинг географик хусусиятлари, теридаги ўзгаришларнинг полиморфизми, тез қайталанишлар, узоқ кечиши асоратли шаклларни ривожланишига сабаб бўлмоқда. Меҳнатга лаёқатли вақтинчалик йўқотган беморлар сонини ўсиши, уларнинг рухий, жисмоний ҳолатига салбий таъсирларни кучайиши, аллергодерматозлар муаммосининг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини кучайиши билан боғлиқдир. Ушбу муаммоларни бартараф этиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб масаллардан бири бўлиб келмоқда.

Жаҳонда аллергодерматозларни молекуляр-генетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташхислаш ва самарали даволаш усулларини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу ишларни афзаллиги беморларнинг ёши, касаллик шакли ва давомийлиги, триггер омилларни ҳисобга олган ҳолда аллергодерматознинг клиник кўринишини асослашдан иборат. Аллергодерматозли беморларда клиник кўринишни ҳисобга олган ҳолда эндоген интоксикация ҳолатини, аллергодерматознинг ривожланиш механизмида GSTP1 гени Pe105Val генотипларининг полиморфизми ассоциациясини аҳамияти ва касалликнинг клиник кўринишини баҳолашдан иборат. Аллергодерматозли беморларда экспериментал, клиник ва биокимёвий тадқиқотлар асосида касалликни даволашнинг дезинтоксикацион терапиясининг оптимал усулини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликни эпидемиологик ҳолатини баҳолаш ва энг самарадор ташхисот усулларни ишлаб чиқиш йўналишида кенг тармоқли тадбирлар амалга оширилган. «...Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Аҳоли орасида турли омиллар таъсиридаги терининг

¹Каюмова Л.Н. Современные представления об эпигенетических механизмах формирования атопического дерматита/Российский журнал кожных и венерических болезней-М., 2014.-Т17, №4.-С.42-50.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

аллергик касалликларни камайтиришда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали турли даражадаги асоратларини камайтириш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда атопик дерматит ривожланишининг иммунологик томонлари қатор хорижий олимларнинг ишларида қайд қилинган (Короткий Н.Г. ва бошқ., 2017). Аллергик тери касалликларининг патогенезида асосий аҳамиятга эга бўлган фармакологик дори воситалари, шу жумладан глюкокортикостероидлар, в₂-адреномиметиклар, лейкотриен ингибиторларини ўзига қамраб олган патогенетик терапиясининг сезувчанлигини аниқлайдиган турли хил генларни тадқиқ қилиш катта қизиқиш уйғотади [Dallongeville J., Helbecque N. et al., 2003; Баранов В.С., 2009]. Ксенобиотикларнинг биотрансформация ферменти генлари (КБФ), шу жумладан, бу патологияларга нисбатан мойилликни шаклланиши учун номзодлардир, чунки уларнинг оксил маҳсулотлари шу жумладан дори воситаларига кирувчи ёт кимёвий бирикмаларни детоксациялаш ёки токсификациялаш йўли орқали атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлишади.[Mancinelli et al., 2004; Фрейдин М.Б., Пузырёв В.П., 2007]. Бироқ, бу ушбу касалликларга нисбатан мойилликнинг генетик омиллари сифатида ҳали ҳам яхши ўрганилмаган.

Ўзбекистонда илк мартаба атопик дерматит ва соғлом бўлган шахсларда клиник ва иммунологик текшириш (IL-4 ва IgE) маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, IL-4 генининг 590С>Т полиморфизми аниқланган [Бобоев К.Т., Муминова С.Р., 2019]. Тадқиқот натижалари, АД билан касалланган беморларда IL-4 генининг 590С>Т полиморфизмининг тарқалиши назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада ошиб кетганлигини ва бу касалликнинг ривожланиши ва генетик маркер ўртасидаги ишончли алоқани кўрсатди, бироқ, аллергодерматозларни молекуляр-генетик хусусиятлари ва эндоген интоксикацияни ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва самарали даволаш усуллари такомиллаштирилмаган.

Бугунги кунда дерматологик амалиётда аллергодерматозларнинг оғир шакллари даволашнинг мақбул усуллари излаш муҳим муаммодир. Терапиянинг стандарт усуллари, шу жумладан дезинтоксикацион, гипосенсибилизацияловчи, антигистамин даволаш усуллари тайинлаш, ҳар доим ҳам терининг патологик жараёни тўлиқ бартараф этишга ёрдам бермайди.

Шундай қилиб, антиоксидант тизимнинг функционал фаолиятини ҳисобга олган ҳолда организмда атопия учун жавоб берадиган генетик маркёрларни излаш тери аллергик касалликларининг оғир шакллари ривожланиш механизмини ёритиб беради ва ушбу дерматознинг оғирлик даражасини эрта ташхислашда молекуляр-генетик мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда даволашнинг янги усуллари ва профилактикасини таъминлашга ёрдам беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий– амалий тиббиёт марказининг илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС-15.19.3 «Аллергодерматозларнинг ривожланишида иммуногенетик, метаболик и микробиологик маркерлар ва уларни ташхислаш ва даволаш услубларини такомиллаштириш йўли» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккинчи босқичли ксенобиотик фермент генларининг аллел полиморфизми, организмнинг клиник - биокимёвий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда аллергодерматозли беморларни ташхислаш ва даволаш усуллариини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморларнинг ёшини, ҳамда касалликнинг клиник шакли ва давомийлигини, триггер омилларни ҳисобга олган ҳолда аллергодерматознинг клиник кечишига баҳо бериш;

аллергодерматозли беморларда клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда эндоген интоксикацияни ҳолатини ўрганиш;

аллергодерматознинг ривожланиш механизмидаги *Pe 105Val GSTP1* гени генотипларининг полиморфизми ассоциациясини аҳамияти аниқлаш ва касалликнинг клиник кечишининг шаклларини прогностик усуллариини ишлаб чиқиш;

экспериментал, клиник ва биокимёвий тадқиқотлар асосида аллергодерматозли беморларда дезинтоксикацион терапиясининг оптимал усуллариини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ клиникасида стационар шароитида даволанган 148 нафар аллергодерматозли беморлар ва 72 нафар амалий соғлом шахс ҳамда тажриба шароитида 40 оқ зотсиз каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аллергодерматозли беморларнинг териси ҳолати, вена қони ва зардоби ҳамда тажриба ҳайвонларнинг экспериментал материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, экспериментал, биокимёвий, молекуляр-генетик, иммунофермент ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор аллергодерматозларнинг клиник кечишида, айникса сурункали шаклида, ксенобиотик ферментлар GSTP1 гени иккинчи фазасидаги Pe 105 Val генотипининг муҳим аҳамияти аниқланган;

GSTP1 гени Pe105Val полиморфизми G аллел ва гетеро/гомозигот генотипларининг тери аллергик касалликларини оғир клиник кечиши хавфи ошишида муҳим прогностик аҳамияти исботланган;

аллергодерматозли беморларда антиоксидант тизимидаги АОТ фаолиятининг камайиши ва қонда олигопептидларнинг ошиши эндоген интоксикациянинг оғир даражада кечишига олиб келиши аниқланган;

илк бор Pe105Val GSTP1 гени полиморфизмининг генотипларини ҳисобга олган ҳолда дезинтоксикацион терапияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ксенобиотик ферментларининг Pe 105 Val GSTP1 гени генотипларининг аллел вариантларининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, аллергодерматозларнинг оғир шакллари ривожланиш хавфини прогностик усули ишлаб чиқилган;

антиоксидант тизими фаолиятини ҳамда ксенобиотик ферментларининг Pe 105 Val GSTP1 гени генотипларининг ассоциациялари ҳисобга олган ҳолда аллергодерматозларнинг оғир шакллари дезинтоксикацион даволаш усули ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи экспериментал, биокимёвий, молекуляр-генетик, иммунофермент ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, аллергодерматозларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аллергик дерматозларнинг оғир шакллари ривожланишида иккинчи босқич Pe 105 Val GSTP1 г ксенобиотик ферментлар генининг полиморфизми аллелик вариантларининг роли аниқланди.

Аллергодерматозли беморлар организмда АОТ фаолиятининг сусайиши ва қон зардобиде олигопептидлар миқдорининг ошиши натижасида эндоген интоксикациясининг оғир шаклини ривожланиш ҳолати қайд этилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти GSTP1 иккинчи босқич ксенобиотик фермент генининг Pe 105 Val полиморфизмининг молекуляр генетик

таҳлилини ҳисобга олган ҳолда аллергия дерматознинг оғир шакллари ривожланиш хавфини прогностик услубини ишлаб чиқиш билан тавсифланади. Аллергодерматозли беморларда даволашда сукцинасол дори воситасини қўллаш натижасида патогенетик дезинтоксикацион усули ишлаб чиқилди ва ушбу услуб организмда эндоген интоксикация даражасини камайишига ва терапевтик самарадорликни 65,6% га ошишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аллергодерматозларнинг молекуляр-генетик хусусиятлари ва эндоген интоксикацияни ташхислаш ва даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Аллергодерматозларнинг оғир шакллари учун дезинтоксикацион терапия» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 октябрдаги 8н-д/227-сон маълумотномаси). Ушбу ишланмалар аллергия дерматозларга чалинган беморларда касалликнинг оғир шакллари ривожланишини олдини олишда молекуляр-генетик текшириш усуллари қўллаш ва дезинтоксикацион даволаш усуллари самарадорлигини оширишга имкон яратади.

аллергодерматозларнинг молекуляр-генетик ташхислаш ташхислаш ва даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, ЎзР ССВ РИДВваКИАТМ, шунингдек, Наманган вилояти тери-таносил диспансери ҳамда “Эмбриосервис” хусусий шифохонаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 январдаги 8н-з/2-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши терапия самарадорлигини 65,6%га ошишига имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 та услубий қўлланма, 8 та илмий мақолалар, шу жумладан 1 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тақлиф қилган халқаро илмий журналларда чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий

аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Аллергодерматозларни патогенетик механизмлари ва даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида сўнги 10-15 йил ичида аллергия тери касалликлари ривожланишининг патогенетик жиҳатлари, молекуляр генетик ривожланиш механизмлари ва аллергиядерматозларнинг клиник кўринишида тананинг антиоксидант тизимининг ўрни ва ташхисоти ва даволашнинг замонавий тизими борасида маҳаллий ва хорижий манбалари келтирилган. Аллергия тери касалликлари кўрилиши лозим муаммонинг ҳал қилишга тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Аллергодерматозларни ташхислаш ва даволашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига эришиш учун 6 ёшдан 80 ёшгача бўлган аллергия тери касалликлари билан касалланган 148 нафар беморни Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида кенг қўламли текширув ўтказилган. Улардан 72 (48,6%) нафар беморлар - эркек, 76 (51,4%) - аёл эди. Аллергодерматознинг клиник хусусиятларини баҳолаш касалликнинг ёши, жинси, давомийлиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилди. Назорат гуруҳи тегишли ёшдаги 72 нафар соғлом шахсни ташкил этди. Барча беморларда ХКТ-10 (2017) таснифи бўйича аллергия тери касалликлари аниқланди. Шундай қилиб, 148 та бемордан, атопик дерматит 42 (28,4%) нафар, аллергия дерматит 81 (54,7%) нафар ва токсикодермия 25 (16,8%) нафар беморларда аниқланди.

Диссертация ишида қуйидаги тадқиқот усуллари бажарилган: клиник - СШДИ индексининг оғирлик даражасини аниқлаш; текширилган беморларда ва экспериментал каламушларда қон зардобининг умумий антиоксидант фаоллигини биокимёвий тадқиқотлар қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил (ELISA –(ИФА)) усуллари ёрдамида бажарилган; плазма ва эритроцитларда ўрта масса молекулаларининг (ЎВМ) даражасини эритроцитларнинг емирилиш қобилятини ва токсемия даражасини аниқлаш йўли билан тезкор усул билан эндотоксемия даражасини аниқлаш; полимераза занжири реакцияси усули билан ксенобиотик фермент генининг GTSP1 молекуляр генетик тадқиқотлар. Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7.0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Аллергодерматозларнинг клиник-биокимёвий тавсифи»** деб номланган учинчи бобида 148 нафар беморларда аллергиядерматознинг клиник кўринишининг хусусиятлари ХКТ-10га мувофиқ клиник шакли, касалликнинг оғирлигини, давомийлигини, тери-патологик жараёнлар ва ёндош патологиянинг хусусиятларини, шунингдек, ножўя омилларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда батафсил тавсифланади.

Клиник ва анамнестик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, аллергодерматозлар орасида ривожланиш ва кучайишнинг ноҳўя омиллари орасида озиқ-овқат маҳсулотлари - 43,2%, асаб касаллиги - 10,8%, дори-дармонлар - 16,9% ва кимё саноати - 11,5% ўрин эгаллайди. Шуни таъкидлаш керакки, 26 нафар беморда ноҳўя омилнинг идиопатик хусусиятлари 17,6% ни ташкил этди. Аллергик дерматити бўлган беморларнинг клиник шаклини инобатга олган ҳолда кўп ҳолатларда озиқ-овқат омили 38,3% (31) ва кимёвий омилларга - 19,7% (16) тўғри келади. АД билан беморларнинг гуруҳида асосий омил озиқ-овқат бўлиб 61,9% (26), асаб (19,05%) (8), токсикодермия бўлган беморларда эса етакчи омил 68% (17) беморда дори-дармонлар бўлган ва озиқ-овқат омили 28% (7) беморда аниқланган.

148 беморлардан 109 сида ирсий омилнинг борлиги аниқланган, бу 73,6% ташкил этди. АД беморлар гуруҳида клиник шакллари ҳисобга олган ҳолда 58 беморларни ирсияти бўлган эди, бу 71,6% ташкил этди, АД беморларда - 35 (83,3%) ва токсикодермияси бор беморларда - 64% (25дан 16) мувофиқ.

Ёндош касалликлар орасида 33,8% ҳолатларда гипохром камқонлик, 49 касалда ошқозон-ичак тракти патологияси (33,1%), эндокрин тизим (қалқонсимон без) касалликлари 30,4% ҳолатларда (45 беморларда) ва 37 беморларда (25%) асаб тизимининг касалликлари аниқланган.

Аллергик дерматозларни оғирлигини аниқлаш учун 9 балли симптомлар шкаласининг дерматологик индекслари (СШДИ) курсаткичи ишлатилган.

СШДИ белгилари бўйича аллергик дерматозларнинг клиник кўринишини ўрганиш шуни кўрсатдики, аллергодерматит билан оғирган беморларда 14 (17,3%) енгил, 47 (58,02%) - ўртача ва 20 (28,4%) - оғир даражаси аниқланган. АД касалликлари гуруҳида 8 беморда енгил даражаси аниқланди (19,05%), кўп ҳолларда ўртача-оғирлик аниқланди - 54,7% (42 тадан 24 та) ва 26,2% (42тадан 11 та) - касалликнинг оғир даражаси аниқланди. Токсикодермияли 25 нафар беморнинг 7 нафари ўрта даражада оғир бўлиб, 18 нафар беморда оғир даражаси аниқланди, бу эса мос равишда 72% ни ташкил этди.

Антиоксидант тизимининг ҳолатини ва тананинг эндоген интоксикациясини ўрганиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Аллергик дерматоз билан хасталанган беморларда антиоксидант тизимининг ишлаши эркин радикал оксидланиш интенсивлигини ўзгариши ва оксидланиш стрессининг ривожланиши билан боғлиқ метаболизмни қайта кўриш билан боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамиятга эга. Эндоген интоксикацияни баҳолаш учун аллергик дерматозли 60 нафар бемор нозологик шакли ва касалликнинг оғирлиги ҳисобга олган ҳолда текширилди.

Аллергодерматози бўлган 60 нафар беморда эндоген захарланишнинг баҳолаши, морфологик нозологик шакли ва оғирлигини ҳисобга олган ҳолда берилган.

Тадқиқ қилинган аллергодерматозли беморларда умумий антиоксидант ҳолатини ўрганиш натижалари ўртача даражада уч карра пасайишини

кўрсатиб, шартли соғлом шахслар билан солиштирилганда ўртача $0,5 \pm 0,02$ mM бўлган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич ўртача $1,5 \pm 0,06$ mM. ($P < 0,05$) ташкил қилди.

Клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда, АОС индекслари аллергодерматит билан оғриган беморларда $0,5-0,03$ ммол / л, атопик дерматитли беморларда $0,6 \pm 0,02$ ммол / л ва токсикодермия бўлган беморларда ўртача $0,3 \pm 0,05$ ммол / л бўлган вабу эса соғлом шахслар билан таққослаганда 3, 2,5 ва 5 марта пастроқдир. Олинган натижаларнинг статистик ишончилиги ($P < 0,05$) исботланган (1-жадвал).

1-жадвал

Аллергодерматозларнинг клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда умумий антиоксидант тизим ҳолати (АОТ)

Кўрсаткич	Назорат гуруҳ (n=30)	АлД (n=25)	АД (n=25)	Токсикодермия (n=25)
АОТ(ммоль/л)	$1,5 \pm 0,06$	$0,5 \pm 0,03^*$	$0,6 \pm 0,02^*$	$0,3 \pm 0,05^*$

Изоҳ: * -соғлом шахсларга нисбатан бўлган статистик ишончилик ($P < 0,05$)

Беморларнинг ҳар бир гуруҳдаги антиоксидант тизимининг параметрларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, аллергик дерматозли беморларда АОТнинг функционал фаоллиги бузилади, бу ЎМ концентрациясини 1,7 мартага, олигопептидларни 1,6 мартага, токсемия индексини – 2,8 мартага ошиши ва қон зардобда ЎМ ва олигопептидларни концентрациясининг ортиши 1,6 баробар, кизил қон таначаларида токсемиянинг индексини кўтарилиши 2,6 баробарлиги билан тавсифланади (жадвал 2).

2- жадвал

Турли дерматозларда эндоген интоксикациянинг кўрсаткичлари (ЭИ) (M±m)

Дерматозлар (нозология)	УМ	Олигопептидлар	Токсемия индекси (ТИ)	Интоксикация Индекси (ИИ)
Токсикодермия, (n=14)	$24,2 \pm 1,2^*$	$1,55 \pm 0,15^*$	$37,2 \pm 3,21^*$	$137,9 \pm 3,5^*$
Аллергодерматит, (n=25)	$22,3 \pm 1,3^*$	$1,2 \pm 0,14^*$	$28,5 \pm 3,27^*$	$98,2 \pm 3,7^*$
Атопик дерматит (АД), (n=21)	$16,68 \pm 1,49^*$	$1,05 \pm 0,17^*$	$18,20 \pm 3,81^*$	$42,19 \pm 3,27^*$
Назорат гуруҳи, n=55	$11,2 \pm 0,3$	$0,8 \pm 0,07$	$9,0 \pm 0,5$	$28,1 \pm 1,4$
Дерматозлар (нозология)	Эритроцитлар			Зардобдаги ЎМ / эритроцитлар ЎМ
Токсикодермия, (n=14)	$45,87 \pm 1,47^*$	$2,27 \pm 0,13^*$	$99,5 \pm 8,17^*$	$0,54 \pm 0,02^*$
Аллергодерматит, (n=)	$34,4 \pm 2,7^*$	$1,8 \pm 0,19^*$	$69,7 \pm 9,2^*$	$0,7 \pm 0,03$
Атопик(АД), (n=10)	$18,82 \pm 2,14$	$1,13 \pm 0,16$	$23,99 \pm 6,44^*$	$0,95 \pm 0,04$
Назорат гуруҳи, n=55	$19,1 \pm 0,6$	$1,0 \pm 0,06$	$19,1 \pm 1,2$	$0,6 \pm 0,03$

Изоҳ: *- соғлом шахсларга нисбатан бўлган статистик ишончилилик ($P < 0,05$)

Холбуки, клиник шаклга қараб, эндоген интоксикация кўрсаткичлари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эди. Шундай қилиб, токсикодермия билан

хасталанган беморлар гуруҳида аллергик дерматитли беморларга нисбатан плазмадаги ЎМ концентрацияси 1,1 баробар, АД беморларга нисбатан 1,4 баробар, олигопептидлар 1,3 ва 1,4 баробар, плазмадаги токсемия индексини – 1,3 ва 2,4 марта, мос равишда ошганлиги кузатилди. Вахоланки, эритроцитларда токсикодермия билан оғриган беморларда ЎМ ва эритроцитлар олигопептидлари 1,3 ва 2,4 мартабага, токсемия индекслари мос равишда 1,4 ва 4,2 мартага ошган ва статистик ахамиятга эга ($P < 0,05$).

Маълумотлар тахлили шуни кўрсатадики, аллергик дерматит баъзи биокимёвий кўрсаткичлар (мочевина, сийдик кислотаси, креатинин) қийматларининг ошишига олиб келади, бу метаболик касалликларнинг ривожланиши ва плазма ва қизил қон хужайралари ва СЕЭдаги ЎМ миқдорининг сезиларли даражада ошиши эндоген интоксикациянинг ривожланишини кўрсатади.

Шундай қилиб, аллергик дерматозли беморларда ЎМ концентрациясининг 1,7 марта, олигопептидларни 1,6 марта, қон плазмасидаги токсемия индексининг 2,8 мартага, ва эритроцитларда ЎМ ва олигопептидларни концентрациясининг 1,6 марта ва токсемия кўрсаткичи 2,6 марта ортиши билан тавсифланган АОТ функционал фаоллигининг бузилиши мавжуд.

Беморларнинг ҳар бир гуруҳида антиоксидант тизим кўрсаткичларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, аллергодерматозли беморларда АОС функционал фаолиятининг бузилиши кузатилади ва у ЎМ концентрацияси - 1,7 марта, олигопептидлар - 1,6 мартага, токсемия индекслари - 2,8 марта қон плазмаси ва ЎМ ва олигопептидларнинг концентрациясининг 1,6 баробар, токсемия индексининг эса эритроцитларда 2,6 марта кўпайиши кузатилади. Шу билан бирга, энг аниқ - бу кўрсаткичнинг қийматлари 5 баробар камайиши токсикодермияда қайд этилди.

Диссертациянинг «Аллергик тери касалликларининг молекуляр генетик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида 88 нафар аллергик дерматозли беморларда молекуляр генетик тадқиқотлар натижаларини тақдим этади. Ксенобиотик биотрансформация ферментининг GSTP1 генининг полиморфик вариант Пе 105Val аллергик тери касалликларини шаклланиши ва ривожланиш механизмидаги ўрни дерматоз ривожланишининг хавфини баҳолаш учун генетик ва биокимёвий мезонларни тасдиқлаш учун аниқланди.

3-жадвалда қайд этилганидек, АД 88 беморларда 176 та ДНК намунаси бўйича ксенобиотик фермент GSTP1 генининг Пе 105Val полиморфизмининг аллел ва генотиплари тақсимланиш қайталанишларининг таққослаш тахлили 67,0% ҳолатда мос равишда оддий аллел А ва 33% ҳолларда аллел G нинг мавжудлигини аниқлади. Назорат гуруҳида ксенобиотик ферменти GSTP1 гени мутант Пе 105Val аллелининг пайдо бўлиш қайталаниши 12,5% ни ташкил этди, бу эса асосий гуруҳдан 2,6 марта паст бўлди ($P < 0,05$).

3-жадвал

**Назорат ва беморлар гуруҳларида GSTP1 гени Пе 105Val
полиморфизмининг аллеллари ва генотиплари тақсимланишининг
қайталаниши**

№	Гуруҳлар	Аллеллар қайталаниши				Генотиплар тақсимланиши қайталаниши					
		А		G		A/A		A/G		G/G	
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
1	Асосий гуруҳ (n=88)	118	67.0	58	33.0*	41	46.6	35	39.7*	12	13.6*
2	Назорат гуруҳи(n=72)	126	87.5	18	12.5	57	79.2	14	19.4	1	1,4

Изоҳ *- соғлом шахсларга нисбатан бўлган статистик ишонччилик(P<0,05)

A/G ва G/G" функционал жиҳатдан салбий" генотиплари ошганлиги аниқланди - мос равишда 39,7% ва 13,6%. Имкониятлар нисбати коэффиценти бўйича G /A полиморфизми (OR=2.6; 95% CI 1.264-5.382) ва G/G (OR=11.2; 95% CI 1.421- 88.43) мавжуд бўлганида асосий гуруҳда АлД ривожланиш хавфи 1,9 ва соғлом гуруҳга қараганда 12 марта кўп. Тадқиқ қилинган гуруҳлардаги бундай кўрсаткичлар статистик жиҳатдан ишончлидир ($\chi^2=6.9; P<0.05; \chi^2=8.0; P<0.05$).

4 -жадвал

**GSTP1 гени Пе 105 Val полиморфизмининг кутилган ва кузатилган
гетерозиготлик қайталаниши орасидаги фарқланиш даражаси**


Гуруҳлар	Кузатилган гетерозиготлик (N _{obs})	Кутилган гетерозиготлик (N _{exp})	D *
Асосий гуруҳ	39,7	44,19	-0.12
Назорат гуруҳи	19,44	19,75	-0.01

4-жадвалдан кўришиб турибдики, аллергодерматоз билан касалланган беморларда GSTP1 генининг Пе 105 Val полиморфизмининг кузатиладиган гетерозиготлиги 39,7% ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига нисбатан 2,05 марта юқори ва кутилган гетерозиготлик тезлиги 44,2% ни ташкил этди, соғлом кишиларга қараганда 2 баробар юқори (P <0,05) бўлди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, G аллел ва GSTP1 генининг гетеро/гомозигот генотиплари Пе 105 Val полиморфизми Ўзбекистондаги аллергик тери касалликлари ривожланиши хавфининг сезиларли белгиларидир (P<0,05). Аллел А ва функционал жиҳатдан қулай А/А генотиби патологияни ривожлантириш учун ишончли ҳимоя белгиларидир ($\chi^2=16.5; P<0.05; OR=0.2; 95\% CI 0.1186-0.4868$) (2017 йил 25 сентябрдаги ИАП 20170415 Г. "Аллергик тери касалликларининг оғирлик даражасини олдиндан аниқлаш усули" ихтиро патентига талабнома берилди).

Шуни таъкидлаш керакки, аллергодерматоз билан касалланган беморларда АОС нинг функционал фаоллиги GSTP1 генининг Пе 105 Val аллеллик вариантларини ҳисобга олган ҳолда махсус мезонга эга (1-расм).

ГАТР1 гени полиморфизмининг G -гетерозигот ва / ёки гомозигот G / A ёки G/G ноҳўя генотиплари бор АлД беморларда АОС кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 3,4 баробарва A/A ижобий генотипли беморларга нисбатан 1.8 баробар камаяди ва бу аллергодерматозли беморларда эндоген захарланиш оғирлик даражасини асослайди ($P < 0,05$).



1-расм. Аллергодерматоз билан касалланган беморларда GSTP1 генининг Пе 105 Val аллел вариантларини ҳисобга олган ҳолда АОС нинг функционал фаоллиги кўрсаткичлари (n=60)

Диссертациянинг «Аллергодерматозда патогенетик дезинтоксикацион терапияни ишлаб чиқиш (экспериментал ва клиник изланишлар)» деб номланган бешинчи бобида кучли дезинтоксикацион таъсирга эга ва организмнинг метаболизми бузилишини самарали яхшиловчи маҳаллий восита –«Сукцинасол»ни қўшган ҳолда ишлаб чиқилган патогенетик дезинтоксикацион терапиянинг экспериментал, клиник-биокимёвий текшириш натижалари таърифланади.

Ушбу қисмда 40 та оқ каламушларда чақирилган экспериментал аллергик дерматитда баъзи биокимёвий кўрсаткичлар ўрганиши динамикаси батафсил тавсифланган.

Экспериментал аллергик дерматитда қон зардобида маълум биокимёвий кўрсаткичларнинг ошиши кузатилди. II гуруҳдаги аллергик дерматитли каламушларда мочевина концентрацияси 3,2 мартага ($p < 0.0001$), сийдик кислотаси 1,2 мартага ($p = 0.001$), креатинин 1,1 мартага кўпайди ($p > 0.05$).

Бизнинг ишимизда эндоген интоксикация кўрсаткичларини ўрганиш натижалари такдим этилган, бу экспериментал дерматитли (II гуруҳ) хайвонларда плазмадаги ЎМ микдори 1,9 мартага ($p < 0.0001$) ошганлигини, олигопептидларнинг концентрацияси 2,0 мартага ($p < 0.0001$), плазмадаги токсемия индекси - 3,8 марта ($p < 0.0001$), интоксикация индекси - 3,6 марта ($p < 0.0001$) ошганлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, аллергик дерматозларда биокимёвий кўрсаткичларнинг ошиши бир қаторда, эндоген интоксикациянинг статистик жихатдан сезиларли даражада ошиши кузатилмоқда.

Ван-Гизон усули билан ўтказилган гисто-кимёвий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сурункали аллергик контактли дерматитда чуқур коагуляцион некроз, кучли яллиғланиш инфилтрацияси ва терининг қўпол чандиқланиши мавжуд.

Антиоксидант таъсирга эга булган «Сукцинасол» препаратининг экспериментал қўлланиши антиоксидант химояси ҳолатини тиклашда ва шу билан оксидланиш жараёнларининг гиперактивациясини сусайтиришига ёрдам беради.

Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида ишлаб чиқилган маҳаллий препарат «Сукцинасол» хужайра даражасида энергия потенциалини қайта тикловчи ва тери шикастланиши даволашда самарали бўлган, Кребсдаврининг табиий метаболити – қаҳрабо кислотасини ўзида сақлайди.

Экспериментал текширув натижалари шуни кўрсатдики, сукцинасолнинг буферли эритмаси инфузияси экспериментал дерматитда метаболик бузилишларни фаол қайта тиклашга ёрдам берди ва бу аллергодерматозли беморларда уни тавсия этишга асос бўлди.

«Сукцинасол» - маҳаллий ишлаб чиқарилган инфузион дори воситаси, қаҳрабо кислотанинг биологик энергетик субстратини ўз ичига олган қон ўрнини босувчи дезинтоксикацион хусусиятига эга ва 400 мл дозада дезинтоксикацион терапия сифатида томир ичига тавсия этилади. Препарат 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аллергодерматозли 30 нафар беморда қўлланилган.

Инфузион терапия таққосланган дориларни томирга юбориш билан амалга оширилди. Терапиянинг самарадорлигини ўрганиш учун аллергодерматознинг оғир шакллари бўлган беморлар 4 гуруҳга бўлинган ҳолда I - гуруҳ (интакт (соғлом)) - 29 нафар соғлом шахс, II гуруҳ - дезинтоксикациядан олдин аллергодерматозли 60 нафар бемор, III - Аллергодерматозлар билан оғриган беморларга анъанавий натрий тиосульфат 30% -10,0 мл / томир ичига №10 билан терапия олган (30нафар бемор), IV - «Сукцинасол» 400,0 мл / томир ичига кун ора №5 билан дезинтоксикацион терапия олган аллергодерматозли 30 нафар бемор.

Барча беморларга дезинтоксикациядан олдин ва кейин клиник ва биокимёвий қон синамалари ўтказилди (5-жадвал).

Клиник тадқиқотлар натижалари «Сукцинасол» билан дезинтоксикацион терапия олаётган аллергодерматозли беморларда терининг патологик жараёнининг динамикаси қисқа муддатларда - даволанишнинг 3-4-кунида, гиперемия, инфилтрация ва ивишнинг 3-4 кунида камайганлигини кўрсатди, субъэктив сезишлар- ачиш ҳисси, кичиш терапиянинг 2-3-кунида камайди.

Даволашдан олдин назорат гуруҳидаги (I гуруҳ) беморларда СШДИ индексининг кўрсаткичлари ўртача $24,5 \pm 0,8$ баллни ташкил этди, бу

касалликнинг оғир даражасига тўғри келади. Анъанавий терапия СШДИ индексининг оғирлик даражаси 1,5 баробар камайди ва $15,7 \pm 0,6$ баллни ташкил этди ($P < 0,05$). Патогенетик дезинтоксикацион терапиясини олган асосий гуруҳда СШДИ индекслари ўртача $11,5 \pm 0,3$ баллни ташкил этди ва бу даволанишдан олдин 2,2 баробар паст бўлди. Олинган маълумотлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эди ($P < 0,05$).

5- жадвал

"Сукцинасол" препарати ва натрий тиосульфат ёрдамида СШДИ индекслари динамикасининг қиёсий тавсифлари

гуруҳлар			СШДИ индекслари		Даволашдан кейинги ножўя таъсирларни учраши
№	Аллергодерматозли беморлар	n	даволашгача	даволашнинг 10-чи куни	
I	Назорат	30	$24,5 \pm 0,8$	$15,7 \pm 0,6^*$	13,3% (4)
II	асосий	30	$24,8 \pm 1,3$	$11,5 \pm 0,3^*$	-

Изоҳ: * -соғлом шахсларга нисбатан бўлган статистик ишончлилик ($P < 0,05$)

Таъкидлаш керакки, сукцинасол билан дезинтоксикацион терапия пайтида ножўя таъсирлар қайд этилмаган, бунда натрий тиосульфатни қабул қилган беморларда 4 нафарида аллергия реакция қайд этилди, бу эса 13,3% ни ташкил этди.

Дезинтоксикацион терапиянинг натижалари, шунингдек GSTP1 генининг Pe 105 Val молекуляр генетик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинди (6-жадвал).

6-жадвал

GSTP1 гени Pe 105 Val полиморфизмининг ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда аллергиядерматозли беморларда дезинтоксикацион терапия динамикасининг қиёсий таърифи

GSTP1 гени генотиплар Pe 105 Val	клиник соғайиш		сезиларли яхшиланиш		таъсирсиз		ножўя таъсирлар	
	стандарт бўйи-ча	пато-генетик	стандарт бўйи-ча	пато-генетик	стандарт бўйи-ча	пато-генетик	стандарт бўйи-ча	пато-генетик
A/A n=23	6	8	2	3	4	-	-	-
A/G n=30	5	11	3	5	6	-	-	-
G/G n=7		2	1	1	3	-	-	-
Жами n=60	11	21	6	9	13	-	-	-

6-жадвалда айтилишича, стандарт ва патогенетик дезинтоксикацион терапия олган GSTP1 генининг A/A Pe 105 Val функционал генотиплари билан

аллергодерматозли 32 беморда (53,3%) клиник соғайиш қайд этилди. Сезиларли клиник яхшиланиш 15 (25%) да қайд этилди. Даволаш самараси бўлмаганлар– 13 нафар, бу эса 21,6% ни ташкил этди.

Дезинтоксикацион терапияни ҳисобга олган ҳолда, клиник кечишининг динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, GSTP1 генининг А/А генотибли стандарт терапия олган беморларда клиник соғайиш 26,1% да (23 нафаридан 6 нафаридан) аниқланган, сукцинасол олганлар эса 34, 8% (23дан 8 таси) ташкил этди, бу эса АлД клиник кечишининг ижобий динамикасидан 1,3 баравар юқори. GSTP1 генининг А/Г гетерозигот генотибли беморлар гуруҳида «Сукцинасол» қабул қилган беморларда 36,6% да (30 нафаридан 11 нафаридан), стандарт терапия олган беморларда 16,6% да (30 нафаридан 6 нафаридан) клиник соғайиш қайд этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, гомозиготли G/G генотибли беморлар орасида сукцинасол қабул қилган 7 нафаридан 2 нафаридан клиник соғайиш қайд этилган.

А/А генотибли беморлар гуруҳида сукцинасол препарати олган 5 (21,7%), А/Г генотибли – 8(26,6%) ва G/G –7 бемордан 2 тасида сезиларли яхшиланиш аниқланди. Айтиш жоизки, сукцинасол дезинтоксикацион терапиянинг терапевтик самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Ҳеч қандай ножўя таъсири кузатилмади.

Аллергодерматозли беморларда клиник кўрсаткичлар билан бир қаторда антиоксидант тизимнинг лаборатория кўрсаткичларида ҳам ижобий динамика кузатилди.

Кахрабо кислотаси антиоксиданти бор сукцинасол қўлланилганда АОТ умуман кўтарилди ва нормал кўрсаткичларга етди. АОТнинг энг кўп ошиши олдинги даволаш қийматлари билан солиштирилганда токсикодермияда аниқланган ва бунда, сукцинасол инфузияси АОТни 4,7 мартагача ошиши, КЭ да 3,8 мартагача, аллергодерматит ва атопик дерматитда 2,8 ва 2,7 мартагача, экземада эса уч баравар кўпайиши кузатилди.

Шундай қилиб, «Сукцинасол» препарати билан дезинтоксикацион терапия организмнинг эндоген заҳарланиш даражасини янада кўпроқ камайишига ёрдам беради, биокимёвий ҳолатнинг лаборатория кўрсаткичларини меъёрлаштиришга, дерматознинг клиник кўринишини яхшиланишига, терапевтик самарадорликни оширишга ёрдам беради, шунингдек, ножўя таъсирга эга эмас ва шифохоналардаги кунлар сонини камайтиришга олиб келади. Амалий тиббиётда кенг фойдаланиш учун тавсия этилади.

ХУЛОСА

«Аллергодерматозларнинг молекуляр-генетик хусусиятлари ва эндоген интоксикациясини ташхислаш ва даволаш усулини такомиллаштириш»

мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган изланишлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Аллергодерматозларни ривожланишида озик-овқат –43,2% ва дори-дармон - 16,9% асосий омиллар бўлган. Клиник шаклга қараб, аллергодерматит, атопик дерматитда озик-овқат омиллари етакчи бўлиб, ўртача 38,3% ва 61,9%, токсикодермияда асосий ноўя омил дори-дармонлар истеъмоли - 68% ташкил этди ва бу адабий маълумотларига мос келди. Бундан ташқари, 148 нафар бемордан 109 нафарида ирсий омил мавжудлиги қайд этилди, бу 73,6% ни ташкил этди.

2. Молекуляр генетик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, GSTP1 гени Pe105Val - полиморфизмининг G аллеллари ва гетеро/гомозигот генотиплари Ўзбекистонда аллергияли тери касалликларини оғир даражасини ривожланиши хавфи мезони бўлиши аниқланди. ($\chi^2=16.5; P<0.05; OR=0.2; 95\%CI 0.1186-0.4868$).

3. Аллергодерматозли беморларда GSTP1 гени 105Val генининг аллеллар вариантлари бўйича G/A полиморфизм варианты–ўртача оғирлик даражаси, G/G полиморфизм вариантыда–оғир даражали касалланиш хавфи прогностик критерияси аниқланди. (ихтирога билдиришнома берилди. №IAP 20170415 от 25.09.2017 г. « Тери аллергияли дерматитларининг оғирлик даражасини прогнозлаш»).

4. СШДИ индексини ҳисобга олган ҳолда аллергияли дерматозларнинг клиник кечишининг оғирлик даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, аллергияли дерматит билан оғирган 58,03% беморларда ўртача оғирлик даражаси кўпинча ташхис қўйилган ва АДда-54,7%, токсикодермия касалликларида эса 72% беморларда оғир даражаси аниқланган.

5. Аллергодерматозли беморларга АОТ камайиши билан характерланган антиоксидант тизими функционал фаолияти бузилиши кузатилган. Бунда кўрсаткичларнинг қиймати беш баравари камайиши токсикодермияда қайд этилди ва энг кам кўрсаткич қиймати 2,5 марта камайиши атопик дерматитда кузатилди.

6. Аллергодерматозли беморларда қон плазмасида ЎМ концентрацияси 1,7 марта, олигопептидлар – 1,6 марта ва эритроцитларда токсемия индекси 2,6 марта ошиши билан белгиланувчи сезиларли эндоген интоксикация кузатилади. Шу билан бирга, энг яққол-бу кўрсаткичнинг қийматлари 5 баробар камайиши токсикодермияда қайд этилди.

7. GSTP1 полиморфизм генининг G - гетерозигот ва / ёки гомозиготли G / A ёки G/G генотиплари бўлган шахслар гуруҳида АОС индекслари A/A генотиплари бўлган беморларга нисбатан - 1,8 мартага ва соғлом назорат гуруҳига нисбатан эса - 3,4 марта камайиши кузатилди ва бу ҳолат аллергияли дерматозли беморларда эндоген интоксикациясининг оғир даражасини ривожланганлигидан далолат берди ($P < 0,05$).

8. Аллергодерматоз билан касалланган беморларда маҳаллий дори воситаси –сукцинасолни дезинтоксикацион терапиясида қўллаш натижасида организмнинг эндоген заҳарланиш даражасини янада пасайишига олиб

келиши хамда биокимёвий ҳолатнинг лаборатор кўрсаткичларини меъёрлаштириши, дерматознинг клиник кечишини яхшилади, терапевтик самарадорликни оширди ва касалхонада ётиш кунлар сонини камайтирди ва дерматология тиббиёт амалиётида кенг қўлламда фойдаланиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ РЕСПУБЛИКАНСКИЙ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО- ПРАКТИЧЕСКИЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ДЕРМАТОЛОВЕНЕРОЛОГИИ И
КОСМЕТОЛОГИИ**

АЛИМОВА СЕВАРА МУРАДОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ДИАГНОСТИКИ И ТЕРАПИИ
АЛЛЕРГОДЕРМАТОЗОВ С УЧЕТОМ МОЛЕКУЛЯРНО-
ГЕНЕТИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ И ЭНДОГЕННОЙ ИНТОКСИКАЦИИ**

14.00.11 – Дерматология и венерология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

**Тема диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при
Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Tib476**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом центре дерматовенерологии и косметологии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета(www.tashpmi.uz.) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Мавлянова Шахноза Закировна**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Хаитов Кахрамон Нажмитдинович**
доктор медицинских наук

Гильдиева Маргарита Собировна
доктор биологических наук

Ведущая организация: **Ташкентский институт усовершенствования
врачей**

Защита диссертации состоится « _____ » _____ 2019г. в _____ час. на заседании Научного по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Богишамол, дом 223.Тел/факс: (+99871) 262-33-14, e-mail:mail@tashpmi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирован за № _____, (адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223. Тел/факс: (+998 71) 262-33-14

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2019 года.
(Протокол рассылки № от _____ 2019 года.

А.В.Алимов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Э. А. Шамансурова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.И.Ахмедова

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Изменение экологической ситуации, широкое использование лекарственных средств и пестицидов в сельском хозяйстве, некачественные косметологические средства, пищевые добавки стали причиной увеличения день за днем аллергических заболеваний кожи (АЗК). «... заболевание представляет собой глобальную проблему XXI века, связано с продолжающим ростом среди населения, особенно среди детей...»³. Частота встречаемости АЗК с тяжелым рецидивирующим, сложным течением у лиц наиболее трудоспособного возраста в структуре кожной патологии составляет 30-40%. Географические особенности регионов, полиморфизм кожных изменений, частые рецидивы, упорное течение обуславливают развитие осложненных форм. Увеличение числа больных с временной утратой трудоспособности, усиление неблагоприятного влияния на их психическое и физическое состояние связано с усилением медицинской и социальной значимости проблемы аллергодерматозов. Устранение этих проблем является актуальной задачей перед специалистами данной сферы.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по совершенствованию диагностики и эффективных методов лечения с учётом молекулярно-генетических особенностей аллергодерматозов. Преимущество этих работ состоит из обоснования клинических проявлений аллергодерматоза с учётом возраста больных, формы и продолжительности заболевания и триггерных факторов. Важное значение имеет оценка клинического проявления заболевания и роли ассоциации полиморфизма генотипов *Pe105Valгена GSTP1* в механизме развития аллергодерматоза, состояния эндогенной интоксикации с учётом клинического проявления у больных с аллергодерматозом. Совершенствование разработки оптимального метода дезинтоксикационной терапии лечения заболевания на основе экспериментальных, клинических и биохимических исследований у больных с аллергодерматозом имеет особое значение.

В нашей стране для развития медицинской сферы, адаптации системы по мировым стандартам, оценки эпидемиологического состояния заболевания и в направлении разработки эффективных методов диагностики выполнены широко направленные меры. Определены задачи «...по повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также создание системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей диспансеризации...»⁴. При снижении аллергических заболеваний

³Каюмова Л.Н. Современные представления об эпигенетических механизмах формирования атопического дерматита/Российский журнал кожных и венерических болезней-М., 2014.-Т17, №4.-С.42-50.

⁴Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

кожи среди населения под влиянием различных факторов при оказании современной медицинской помощи путем совершенствования использования современных технологий особое место занимает снижение осложнений различной степени.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП–5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП–3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

